**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING**
**QARORI**

2020 yil «15» декабрь № 784 Toshkent sh.

**“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 январдаги ПҚ–4563-сон қарорига мувофиқ, шунингдек электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришга замонавий юқори самарали когенерация технологияларини жорий қилган ҳолда генерация қувватларини янада ривожлантириш ҳамда республика истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг ишончлилигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ўртасида 2015 йил 25 октябрда “Тошкент когенерация иссиқлик электр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда консалтинг хизматлари учун йиллик 0,01 фоиз ҳамда газ турбина қурилмасини қуриш учун олти ойлик LIBOR минус 1,33 фоиз ставкаларида 40 йилда сўндириш муддати, шундан 10 йил имтиёзли давр билан умумий қиймати 12 млрд япон иенаси миқдорида қарз битими (кейинги ўринларда – қарз битими) имзоланганлиги;

қарз битимига мувофиқ Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби бўйича 2016 йил 19 апрелда Агентлик битими ҳамда ушбу Агентлик битимига 2019 йил 10 августда қўшимча битим имзоланганлиги;

Японияда 2018 йилдан бошлаб 27 МВт қувватли буғ-газ қурилмаси ўрнига замонавий 32 МВт қувватли модели ишлаб чиқарилаётганлигини эътиборга олиб, лойиҳанинг дастлабки қийматини оширмаган ҳолда, 2 та 32 МВт қувватли буғ-газ қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилганлиги;

“УзИнжиниринг” Республика лойиҳалаш институти томонидан лойиҳанинг техник-иқтисодий асослануви ишлаб чиқиш жараёнида олиб борилган изланишлар натижасида H-25 турдаги газ турбиналар синфига мансуб турбиналарнинг “Gas Turbine World Handbook 2018” журналида модернизацияланган кўринишдаги 31 МВт дан 33 МВтгача қувватдаги газ турбиналари келтирилганлигидан келиб чиқиб, лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашда ўртача қуввати 32 МВт бўлган газ турбина қурилмаси шартли равишда қабул қилинганлиги;

умумий қиймати 109,24 млн АҚШ доллари бўлган лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан биргаликда техник-иқтисодий асослануви Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 июлдаги ПҚ–3857-сон қарорида белгиланган тартибда Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида экспертизадан ўтказилганлиги;

“Тошкент иссиқлик электр маркази” АЖнинг (кейинги ўринларда – “Тошкент ИЭМ” АЖ) товарлар (хизматлар) айланмасида қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш ҳисобидан божхона ҳамда солиқ имтиёзлари кўринишида Ўзбекистон Республикасининг лойиҳадаги ҳиссаси 12,72 млн АҚШ долларини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг қарз битими маблағларини лойиҳани амалга оширишга йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида консалтинг хизматлари учун жалб этиладиган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзи бўйича асосий қарзни сўндириш, фоиз ва йиғим тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида асбоб-ускуна, материалларни харид қилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга жалб этиладиган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзи бўйича асосий қарзни сўндириш, фоиз ва йиғим тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш учун масъул ҳисобланади;

“Тошкент ИЭМ” АЖ лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда қарз ва фоизларни ўз вақтида сўндириш учун масъул лойиҳа ташаббускори ҳисобланади;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзини сўндириш, фоиз ва йиғим тўловларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С.Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири**

UMUMIY BO'LIM № 1
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 15 ” декабрдаги 784 сон қарорига
1-илова

## “Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник-иқтисодий КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Т/р | Кўрсаткичнинг номланиши | Ўлчов бирлиги | Жами* | Молиялаштириш манбаси, шу жумладан: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | “Тошкент ИЭМ” АЖнинг ўз маблағлари | “ЛСА” қарзи | шу жумладан: газ турбина қурилмаси учун | шу жумладан: консалтинг хизматлари учун | Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси** |
| 1 | Лойиҳанинг умумий қиймати | минг АҚШ долл. экв. | 109 243,6 | 15 461,4 | 81 064,9 | 74 211,7 | 6 853,2 | 12 717,3 |
| 2 | Жами капитал қўйилмалар суммаси, *шу жумладан*: | минг АҚШ долл. экв. | 96 526,3 | 15 461,4 | 81 064,9 | 74 211,7 | 6 853,2 | - |
| 2.1 | **Машина ва ускуналар:** | минг АҚШ долл. экв. | 71 587,0 | 10 738,0 | 60 849,0 | 60 849,0 | - | - |
| | чет эл валютасида | | 71 587,0 | 10 738,0 | 60 849,0 | 60 849,0 | - | - |
| | миллий валютада | | - | - | - | - | - | - |
| 2.2 | **қурилиш-монтаж ишлари:** | минг АҚШ долл. экв. | 10 618,5 | 1 592,8 | 9 025,7 | 9 025,7 | - | - |
| | чет эл валютасида | | 10 618,5 | 1 592,8 | 9 025,7 | 9 025,7 | - | - |
| | миллий валютада | | - | - | - | - | - | - |
| 2.3 | **бошқа харажатлар:** | минг АҚШ долл. экв. | 13 456,8 | 2 266,6 | 11 190,2 | 4 337,0 | 6 853,2 | - |
| | чет эл валютасида | | 11 955,6 | 765,4 | 11 190,2 | 4 337,0 | 6 853,2 | - |
| | миллий валютада | | 1 501,2 | 1 501,2 | - | - | - | - |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2.4 | **инвестиция давридаги молиявий харажатлар:**<br>чет эл валютасида<br>миллий валютада | минг АҚШ долл.экв. | 864,0<br><br>124,1<br>739,9 | 864,0<br><br>124,1<br>739,9 | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- |
| 3 | **Солиқ ва божхона имтиёзлари**<br>чет эл валютасида<br>миллий валютада | минг АҚШ долл. экв. | 12 717,3<br><br>-<br>12 717,3 | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- | -<br><br>-<br>- | 12 717,3<br><br>-<br>12 717,3 |
| 4 | **Мавжуд бўлган асосий фондларнинг қиймати** | млрд сўм | 229,2 | | | | | |
| 5 | **Лойиҳа қуввати:**<br><br>йиллик ишлаб чиқариладиган маҳсулот | МВт<br><br>минг.кВт.с.<br>Гкал | 64 (2х32)***<br><br>электр энергияси – 515 605<br>иссиқлик энергияси – 690 303 | | | | | |
| 6 | **Яратиладиган иш ўринлари** | ходим | 41 | | | | | |
| 7 | **Инвестиция даври** | ой | 27 | | | | | |
| 8 | **Яратиладиган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати** | минг АҚШ долл. экв. | 96 526,3 | | | | | |

**Изоҳ:**

**) Лойиҳанинг якуний қиймат батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганидан кейин ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш бўйича тендер савдолари натижаларига кўра белгиланади.*

***) Қўшилган қиймат солиғи ва божхона имтиёзлари.*

****) Лойиҳа доирасида 32 МВт қувватли янги замонавий ва самарадорлиги юқори бўлган иккита газ турбина қурилмаси қурилиши кўзда тутилган.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ I5 ” декабрдаги 784 -сон қарорига
2-илова

**“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида консалтинг хизматлари учун жалб этиладиган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзи бўйича асосий қарзни сўндириш, фоиз ва йиғим тўловларини тўлашнинг**

## ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

| | |
|---|---|
| Жами қарз миқдори | – 6 853,2 минг АҚШ доллари |
| Қарзни қайтариш муддати | – 40 йил *(имтиёзли давр – 10 йил)* |
| Қарз бўйича фоиз ставкаси | – 0,01 фоиз |
| Қарзни ташкил этиш йиғими *(бир марталик тўлов)* | – 0,2 фоиз |

*(минг АҚШ доллари)*

| Тўлов муддатлари | Қарзни олиш миқдори | Қарз қолдиғи | Тўлов миқдорлари | | Қарзни ташкил этиш йиғими | Жами тўловлар миқдори * |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий қарз бўйича тўловлар | фоизлар бўйича тўловлар | | |
| 20.12.2016 | - | - | - | - | 1 370,64 | 1 370,64 |
| 20.12.2019 | 685,32 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.06.2020 | 2 056,10 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.12.2020 | 0,14 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.06.2021 | 2 056,20 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.12.2021 | 0,24 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.06.2022 | 1 713,48 | 6 853,20 | - | - | - | - |
| 20.12.2022 | 0,33 | 6 853,20 | - | - | - | 0,35 |
| 20.06.2023 | 341,39 | 6 853,20 | - | 0,33 | - | 0,33 |
| 20.12.2023 | - | 6 853,20 | - | 0,34 | - | 0,34 |
| 20.06.2024 | - | 6 853,20 | - | 0,34 | - | 0,34 |
| 20.12.2024 | - | 6 853,20 | - | 0,34 | - | 0,34 |
| 20.06.2025 | - | 6 853,20 | - | 0,34 | - | 0,34 |
| 20.12.2025 | - | 6 740,80 | 112,40 | 0,34 | - | 112,74 |
| 20.06.2026 | - | 6 628,40 | 112,40 | 0,34 | - | 112,74 |
| 20.12.2026 | - | 6 516,00 | 112,40 | 0,34 | - | 112,74 |
| 20.06.2027 | - | 6 403,60 | 112,40 | 0,33 | - | 112,73 |
| 20.12.2027 | - | 6 291,20 | 112,40 | 0,32 | - | 112,72 |
| 20.06.2028 | - | 6 178,80 | 112,40 | 0,32 | - | 112,72 |
| 20.12.2028 | - | 6 066,40 | 112,40 | 0,31 | - | 112,71 |
| 20.06.2029 | - | 5 954,00 | 112,40 | 0,30 | - | 112,70 |
| 20.12.2029 | - | 5 841,60 | 112,40 | 0,30 | - | 112,70 |
| 20.06.2030 | - | 5 729,20 | 112,40 | 0,29 | - | 112,69 |
| 20.12.2030 | - | 5 616,80 | 112,40 | 0,29 | - | 112,69 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20.06.2031 | - | 5 504,40 | 112,40 | 0,28 | - | 112,68 |
| 20.12.2031 | - | 5 392,00 | 112,40 | 0,28 | - | 112,68 |
| 20.06.2032 | - | 5 279,60 | 112,40 | 0,27 | - | 112,67 |
| 20.12.2032 | - | 5 167,20 | 112,40 | 0,26 | - | 112,66 |
| 20.06.2033 | - | 5 054,80 | 112,40 | 0,26 | - | 112,66 |
| 20.12.2033 | - | 4 942,40 | 112,40 | 0,25 | - | 112,65 |
| 20.06.2034 | - | 4 830,00 | 112,40 | 0,25 | - | 112,65 |
| 20.12.2034 | - | 4 717,60 | 112,40 | 0,24 | - | 112,64 |
| 20.06.2035 | - | 4 605,20 | 112,40 | 0,24 | - | 112,64 |
| 20.12.2035 | - | 4 492,80 | 112,40 | 0,23 | - | 112,63 |
| 20.06.2036 | - | 4 380,40 | 112,40 | 0,23 | - | 112,63 |
| 20.12.2036 | - | 4 268,00 | 112,40 | 0,22 | - | 112,62 |
| 20.06.2037 | - | 4 155,60 | 112,40 | 0,21 | - | 112,61 |
| 20.12.2037 | - | 4 043,20 | 112,40 | 0,21 | - | 112,61 |
| 20.06.2038 | - | 3 930,80 | 112,40 | 0,20 | - | 112,60 |
| 20.12.2038 | - | 3 818,40 | 112,40 | 0,20 | - | 112,60 |
| 20.06.2039 | - | 3 706,00 | 112,40 | 0,19 | - | 112,59 |
| 20.12.2039 | - | 3 593,60 | 112,40 | 0,19 | - | 112,59 |
| 20.06.2040 | - | 3 481,20 | 112,40 | 0,18 | - | 112,58 |
| 20.12.2040 | - | 3 368,80 | 112,40 | 0,17 | - | 112,57 |
| 20.06.2041 | - | 3 256,40 | 112,40 | 0,17 | - | 112,57 |
| 20.12.2041 | - | 3 144,00 | 112,40 | 0,16 | - | 112,56 |
| 20.06.2042 | - | 3 031,60 | 112,40 | 0,16 | - | 112,56 |
| 20.12.2042 | - | 3 919,20 | 112,40 | 0,15 | - | 112,55 |
| 20.06.2043 | - | 2 806,80 | 112,40 | 0,15 | - | 112,55 |
| 20.12.2043 | - | 2 694,40 | 112,40 | 0,14 | - | 112,54 |
| 20.06.2044 | - | 2 582,00 | 112,40 | 0,14 | - | 112,54 |
| 20.12.2044 | - | 2 469,60 | 112,40 | 0,13 | - | 112,53 |
| 20.06.2045 | - | 2 357,20 | 112,40 | 0,12 | - | 112,52 |
| 20.12.2045 | - | 2 244,80 | 112,40 | 0,12 | - | 112,52 |
| 20.06.2046 | - | 2 132,40 | 112,40 | 0,11 | - | 112,51 |
| 20.12.2046 | - | 2 020,00 | 112,40 | 0,11 | - | 112,51 |
| 20.06.2047 | - | 1 907,60 | 112,40 | 0,10 | - | 112,50 |
| 20.12.2047 | - | 1 795,20 | 112,40 | 0,10 | - | 112,50 |
| 20.06.2048 | - | 1 682,80 | 112,40 | 0,09 | - | 112,49 |
| 20.12.2048 | - | 1 570,40 | 112,40 | 0,08 | - | 112,48 |
| 20.06.2049 | - | 4 458,00 | 112,40 | 0,08 | - | 112,48 |
| 20.12.2049 | - | 1 345,60 | 112,40 | 0,07 | - | 112,47 |
| 20.06.2050 | - | 1 233,20 | 112,40 | 0,07 | - | 112,47 |
| 20.12.2050 | - | 1 120,80 | 112,40 | 0,06 | - | 112,46 |
| 20.06.2051 | - | 1 008,40 | 112,40 | 0,06 | - | 112,46 |
| 20.12.2051 | - | 896,00 | 112,40 | 0,05 | - | 112,45 |
| 20.06.2052 | - | 783,60 | 112,40 | 0,04 | - | 112,44 |
| 20.12.2052 | - | 671,20 | 112,40 | 0,04 | - | 112,44 |
| 20.06.2053 | - | 558,80 | 112,40 | 0,03 | - | 112,43 |
| 20.12.2053 | - | 446,40 | 112,40 | 0,03 | - | 112,43 |
| 20.06.2054 | - | 334,00 | 112,40 | 0,02 | - | 112,42 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20.12.2054 | - | 221,60 | 112,40 | 0,02 | - | 112,42 |
| 20.06.2055 | - | 109,19 | 112,41 | 0,01 | - | 112,42 |
| 20.12.2055 | - | - | 109,19 | 0,01 | - | 109,20 |
| **Жами:** | **6 853,20** | - | **6 853,20** | **12,35** | **1 370,64** | **8 236,19** |

***Изоҳ:*** **) Тўловлар суммаси қарзни ҳақиқатда ишлатиш суммаси ва қарзни олиш санасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “15” декабрдаги 784 - сон қарорига
3-илова

**“Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 32 МВт бўлган иккита газ турбина қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида асбоб-ускуна, материалларни харид қилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга жалб этиладиган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) қарзи бўйича асосий қарзни сўндириш, фоиз ва йиғим тўловларини тўлашнинг**

# ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

| | |
|---|---|
| Жами қарз миқдори | – 74 211,7 минг АҚШ доллари |
| Қарзни қайтариш муддати | – 40 йил (*имтиёзли давр – 10 йил*) |
| Қарз бўйича фоиз ставкаси | – 6 ойлик LIBOR (*минус 1,33 фоиз*) |
| Қарзни ташкил этиш йиғими<br>(*бир марталик тўлов*) | – 0,2 фоиз |

*(минг АҚШ доллари)*

| Тўлов муддатлари | Қарзни олиш миқдори | Қарз қолдиғи | Тўлов миқдорлари | | Қарзни ташкил этиш йиғими | Жами тўловлар миқдори* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий қарз бўйича тўловлар | Фоизлар*** бўйича тўловлар | | |
| 20.12.2016 | - | - | - | - | 14 842,34 | 14 842,34 |
| 20.12.2020 | 9 919,80 | 74 211,70 | - | - | - | - |
| 20.06.2021 | 34 810,80 | 74 211,70 | - | - | - | - |
| 20.12.2021 | 22,70 | 74 211,70 | - | - | - | - |
| 20.06.2022 | 29 420,60 | 74 211,70 | - | - | - | - |
| 20.12.2022 | 37,80 | 74 211,70 | - | - | - | - |
| 20.06.2023 | - | 74 211,70 | - | 37,60 | - | 37,60 |
| 20.12.2023 | - | 74 211,70 | - | 37,80 | - | 37,80 |
| 20.06.2024 | - | 74 211,70 | - | 37,80 | - | 37,80 |
| 20.12.2024 | - | 74 211,70 | - | 37,80 | - | 37,80 |
| 20.06.2025 | - | 74 211,70 | - | 37,60 | - | 37,60 |
| 20.12.2025 | - | 72 993,30 | 1 218,4 | 37,80 | - | 1 256,20 |
| 20.06.2026 | - | 71 774,90 | 1 218,4 | 37,00 | - | 1 255,40 |
| 20.12.2026 | - | 70 556,50 | 1 218,4 | 36,50 | - | 1 254,90 |
| 20.06.2027 | - | 69 338,10 | 1 218,4 | 35,70 | - | 1 254,10 |
| 20.12.2027 | - | 68 119,70 | 1 218,4 | 34,30 | - | 1 253,70 |
| 20.06.2028 | - | 66 901,30 | 1 218,4 | 34,70 | - | 1 253,10 |
| 20.12.2028 | - | 65 682,90 | 1 218,4 | 34,10 | - | 1 252,50 |
| 20.06.2029 | - | 64 464,50 | 1 218,4 | 33,30 | - | 1 251,70 |
| 20.12.2029 | - | 63 246,10 | 1 218,4 | 32,80 | - | 1 251,20 |
| 20.06.2030 | - | 62 027,70 | 1 218,4 | 32,00 | - | 1 250,40 |
| 20.12.2030 | - | 60 809,30 | 1 218,4 | 31,60 | - | 1 250,00 |
| 20.06.2031 | - | 59 590,90 | 1 218,4 | 30,80 | - | 1 249,20 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20.12.2031 | - | 58 372,50 | 1 218,4 | 30,30 | - | 1 248,70 |
| 20.06.2032 | - | 57 154,10 | 1 218,4 | 29,70 | - | 1 248,10 |
| 20.12.2032 | - | 55 935,70 | 1 218,4 | 29,10 | - | 1 247,50 |
| 20.06.2033 | - | 54 717,30 | 1 218,4 | 28,30 | - | 1 246,70 |
| 20.12.2033 | - | 53 498,90 | 1 218,4 | 27,90 | - | 1 246,30 |
| 20.06.2034 | - | 52 280,50 | 1 218,4 | 27,10 | - | 1 245,50 |
| 20.12.2034 | - | 51 062,10 | 1 218,4 | 26,60 | - | 1 245,00 |
| 20.06.2035 | - | 49 843,70 | 1 218,4 | 25,90 | - | 1 244,30 |
| 20.12.2035 | - | 48 625,30 | 1 218,4 | 25,40 | - | 1 243,80 |
| 20.06.2036 | - | 47 406,90 | 1 218,4 | 24,80 | - | 1 243,20 |
| 20.12.2036 | - | 46 188,50 | 1 218,4 | 24,20 | - | 1 242,60 |
| 20.06.2037 | - | 44 970,10 | 1 218,4 | 23,40 | - | 1 241,80 |
| 20.12.2037 | - | 43 751,70 | 1 218,4 | 22,90 | - | 1 241,30 |
| 20.06.2038 | - | 42 533,30 | 1 218,4 | 22,20 | - | 1 240,60 |
| 20.12.2038 | - | 41 314,90 | 1 218,4 | 21,70 | - | 1 240,10 |
| 20.06.2039 | - | 40 096,50 | 1 218,4 | 20,90 | - | 1 239,30 |
| 20.12.2039 | - | 38 878,10 | 1 218,4 | 20,40 | - | 1 238,80 |
| 20.06.2040 | - | 37 659,70 | 1 218,4 | 19,80 | - | 1 238,20 |
| 20.12.2040 | - | 36 441,30 | 1 218,4 | 19,20 | - | 1 237,60 |
| 20.06.2041 | - | 35 222,90 | 1 218,4 | 18,50 | - | 1 236,90 |
| 20.12.2041 | - | 34 004,50 | 1 218,4 | 18,00 | - | 1 236,40 |
| 20.06.2042 | - | 32 786,10 | 1 218,4 | 17,20 | - | 1 235,60 |
| 20.12.2042 | - | 31 567,70 | 1 218,4 | 16,70 | - | 1 235,10 |
| 20.06.2043 | - | 30 349,30 | 1 218,4 | 16,00 | - | 1 234,40 |
| 20.12.2043 | - | 29 130,90 | 1 218,4 | 15,50 | - | 1 233,90 |
| 20.06.2044 | - | 27 912,50 | 1 218,4 | 14,90 | - | 1 233,30 |
| 20.12.2044 | - | 26 694,10 | 1 218,4 | 14,20 | - | 1 232,60 |
| 20.06.2045 | - | 25 475,70 | 1 218,4 | 13,50 | - | 1 231,90 |
| 20.12.2045 | - | 24 257,30 | 1 218,4 | 13,00 | - | 1 231,40 |
| 20.06.2046 | - | 23 038,90 | 1 218,4 | 12,30 | - | 1 230,70 |
| 20.12.2046 | - | 21 820,50 | 1 218,4 | 11,80 | - | 1 230,20 |
| 20.06.2047 | - | 20 602,10 | 1 218,4 | 11,10 | - | 1 229,50 |
| 20.12.2047 | - | 19 383,70 | 1 218,4 | 10,50 | - | 1 228,90 |
| 20.06.2048 | - | 18 165,30 | 1 218,4 | 9,90 | - | 1 228,30 |
| 20.12.2048 | - | 16 946,90 | 1 218,4 | 9,30 | - | 1 227,70 |
| 20.06.2049 | - | 15 728,50 | 1 218,4 | 8,60 | - | 1 227,00 |
| 20.12.2049 | - | 14 510,10 | 1 218,4 | 8,10 | - | 1 226,50 |
| 20.06.2050 | - | 13 291,70 | 1 218,4 | 7,40 | | 1 225,80 |
| 20.12.2050 | - | 12 073,30 | 1 218,4 | 6,80 | | 1 225,20 |
| 20.06.2051 | - | 10 854,90 | 1 218,4 | 6,20 | | 1 224,60 |
| 20.12.2051 | - | 9 636,50 | 1 218,4 | 5,60 | | 1 224,00 |
| 20.06.2052 | - | 8 418,10 | 1 218,4 | 5,00 | | 1 223,40 |
| 20.12.2052 | - | 7 199,70 | 1 218,4 | 4,30 | | 1 222,70 |
| 20.06.2053 | - | 5 981,30 | 1 218,4 | 3,70 | | 1 222,10 |
| 20.12.2053 | - | 4 762,90 | 1 218,4 | 3,10 | | 1 221,50 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20.06.2054 | - | 3 544,5 | 1 218,4 | 2,50 | | 1 220,90 |
| 20.12.2054 | - | 2 326,10 | 1 218,4 | 1,90 | | 1 220,30 |
| 20.06.2055 | - | 1 107,70 | 1 218,4 | 1,20 | | 1 219,60 |
| 20.12.2055 | - | - | 1 107,7 | 0,60 | | 1 108,30 |
| **Жами:** | **74 211,7** | **-** | **74 211,7** | **1 357,4** | **14 842,34** | **90 411,4** |

**Изоҳ:**

**) Тўловлар суммаси қарзни ҳақиқатда ишлатиш суммаси ва қарзни олиш санасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади.*

***) Қарздорликни қайтаришнинг ҳисоб-китоб прогнозида фоиз ставкаси 0,1% деб олинган, чунки LIBOR ставкасига қарздорликни қайтариш санасида аниқлик киритилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1